

DEFICIENCIES IN WRITTEN SPEECH

Kholboeva Ruhsora Egamberdievna

Head of the speech therapy department of the 3rd comprehensive school of Kitab district of
Kashkadarya region

Бизга маълумки оғзаки нутқ атрофдагилар билан бевосита алоқа қилишда ишлатилса, ёзма нутқ эса бошқа вазиятда бошқа бир жойда, даврда яшаган кишилар билан мулоқатда бўлиш, уларнинг фикрларини аниқлаш воситасидир. Ёзма нутқ фикрларимизда ихтиёрий ифодалаб беришнинг энг қулай воситасидир. Ёзма нутқни ўқиш ҳамда ёзиш жараёнлари ташкил этади. Ёзма нутқни тушиниш учун махсус тартибда таълим олиш лозим, яъни саводли бўлмоқ зарур. Ёзма нутқ оғзаки нутқ асосида шаклланади.

Ёзма нутқ механизми мураккаб бўлганлиги туфайли уни шакллантириб боришда турли хил қийинчиликлар кузатилиб турилади. Логопедияда ёзма нутқдаги нуқсонларни дисграфия (grekcha dis-buzulish, grafo-yozaman), агрофия (a-inkor qilish, yo`q, grafo-yozaman), дилекция (grekcha dis-buzilish, lego - o`qiyman), аликция (grekcha a-inkor qilish, yo`q, lego-o`qimoq) атамалари билан юритилади.

Ёзувдаги камчиликлар – дисграфия, кўп ҳолларда ўқишдаги камчиликлар-дислексиялар билан бирга учрайди. Дислексиянинг алоҳида ўзи мустақил нутқ нуқсони сифатида камдан-кам учрайди.

Дисграфия ёзув жараёнининг нормадан оширувчи олий психологик фаолиятнинг ривожланмай қолиши билан боғлиқ бўлади. Ёзувнинг бузилишини белгилашда асосан қўйидаги атамалардан фойдаланилади: дисграфия, аргатия, дизорфография, эволюцион дисграфия.

Ўқиш ва ёзишдаги бузилишлар бир-бирига ўхшаш бўлади. Ёзуви бузилган болаларда кўпгина олий психологик функциялар: қобилиятнинг таҳлили ва сентизи, фазовий тасаввурлар, нутқ товушларини кўриш-эшитиш орқали фарқлаш, фонематик ҳамда бўғинли анализ ва сентиз қилиш, гапни сўзларда ажратиш, нутқнинг лексик-грамматик тузилиши, хотира, диққат-эътибор жараёнларининг эмотциянал иродавий соҳанинг шаклланганлиги кузатилади.

Акустик дисграфия этиш қобилиятининг табақалашмагани, товушларни анализ ва сентиз қилишнинг етарли даражада ривожланмаганлиги. Буда товушлар артикуляцион ўхшаш ҳарфларнинг ўрнини алмашиш, аралаштириш баъзида ҳарфларни тушириб қолдиришлар кузатилади.

Оптик дисграфия кўриш орқали тасаввур этишнинг мустаҳкам эмаслиги билан боғлиқдир. Бунда бола ҳарфларни англамайди, ҳарфларни турли пайтда ҳар хил қабул қилади. Кўриш қобилиятининг нотекслиги оқибатида улар ёзувида аралаш-қуралаш бўлади.

Мотор дисграфия қўлнинг ёзув пайтида қийин ҳаракатга келиши, мотор образдаги алоқларнинг, сўзларнинг, сўзларнинг товуш ва кўриш образлари билан биргаликда бузилишидир.

Мактаб ўқувчилари орасида ёзма нутқсонларидан дисграфия ва дислексиялар тез-тез учраб туради. Дисграфикларнинг ёзма ишларида кузатиладиган хатоларни маълум гуруҳларга ажратиб ўрганиш тавсия этилади. Булар қўйидагилар: 1. Фонетико-фонематик характердаги хато-талаффуз (артикуляция) ва идрок (акустика) жиҳатдан ўхшаш товушларни бир-бири билан алмаштириб юбориш, масалан: гул-кул, зина-сина, боғ-пох, дафтар-тафтар ва ҳ.з. 2. Сўз тузилишидаги камчиликлар: а) бўғинлар ўрнини алмаштириш, масалан: машина-манаши, ранда-радан; б) унли товушларни тушириб қолдириш: узум-узм, илон-лон, гилос-глос, китоб-ктоб; в) ундош товушларини тушириб қолдириш, масалан: дўстлик-дўслик, байрам - байам, кино-ино, кейин-кеин; г) бўғин сўзларни охиригача ёзмаслик, масалан: бола-бол, лола-лол, олхўри-олхў, анор-ано, бўлди-бўди, боради-боди; д) ортиқча унли ва ундош товушларни қўшиб

ёзиш, масалан: стул-устул, стол-устол, тўғри-тўғири, диёр-дийёр, сариёғ-сарийёғ. 3. Бир сўзни иккига бўлиб ёки иккита сўзни қўшиб ёзиш, масалан: Баҳор келди – Ба хоркелди. 4. Шакли билан ёзилиши билан ўхшаш бўлган ҳарфларни, уларнинг элементларини алмаштириб ёзиш. 5. Қўл мускулларининг нозик ҳаракчанлиги, моторикаси бузилиши натижасида ҳарфларни нотўғри ёзилиши, дафтардаги чизиқларга ёзмаслиги, бўғин ва сўзларни устма-уст ёзиши ва ҳаказо. 6. Грамматик характердаги хатолар (морфологик, орфографик, синтактик, пунктуацион хатолар).

Ёзувдаги камчиликлар -дисграфия. Кўп ҳоллода ўқишдаги камчиликлар-дислексиялар билан бирга кузатилади. Ўқиш бу нутқ фаолиятининг товушлар талаффузи ва идроки билан чамбарчас боғлиқ бўлган турдир.

Ёзма нутқ камчиликларини бартараф этишда олиб бориладиган логопедик ишлар

Ўқиш ва ёзув бузилишларининг механизми кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшашдир, шунинг учун уларни бартараф этиш юзасидан олиб бориладиган логопедик-тузатиш ишлари ҳам ўхшаш бўлади.

Товушларнинг бир-биридан фарқлаш устида олиб бориладиган ишнинг муваффақиятли бўлиши фонематик анализ ва синтезни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Алмаштирилган товушларни бир-биридан фарқлаш устида олиб бориладиган логопедик ишлар 2 босқичдан иборат:

Биринчи босқич – тайёргарлик товушлар устида ишлаш.

Иккинчи босқич – алмаштирилаётган товушларни этиш ва талаффуз жиҳатдан фарқлаш.

Дисграфияни бартараф этишда ёзув машқлари катта ўрин тутди. Бунда олинадиган диктанлар, кўриб ёзиш, баён ёзиш орқали ўқувчиларнинг ёзма нутқдаги хатолари бартараф этиб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аюпова М.Ю. Логопедия Т., 2007.
2. Интернет сайтлари.
3. Логопедия ўқув қўлланма. Т., 2009